

Ҳазрати Абу Бакр (2-қисм)

16:38 / 21.04.2017 5861

СОЛИҲ САЛАФЛАР ИБРАТИ

САҲОБАЛАР САЙЙИДИ

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху ҳаётларидан лавҳалар

Бозордаги воқеа

(2-қисм)

Укоз бозори нафақат Макка, бутун Арабистон жазирасида машҳур, маъмур, гавжум бозорлардан эди. Бунда дунёнинг ҳамма ёғидан келган тужжорларнинг молини мақтаб қичқиришлари, сархуш ичимликлар ичиб олган маккаликларнинг мастона бақир- чақирлари, баланд жойларга чиқиб олиб шеър ўқиётган ёки қисса айтаётган сўзамол воиз-шоирларнинг хитоблари бир зум тинмасди. Аммо мушриклар ва бутлар, фахш ва чиркинликларга тўлиб-тошган шаҳарда бир неча покиза, бутпарастликдан воз кечган кишилар ҳам бор эдики, улар ҳамиша жаҳолат ва жамият ифлосликларидан ўзларини сақлар эдилар. Ана шундай кишилардан бири Қусс ибн Соида қизил туяси устида туриб бозорда тўпланганларга шундай хитоб қилар эди:

- Эй инсонлар, келинлар, тингланлар, доимо эсда тутинлар, ибратланинлар! Яшаганлар ўлар, ўлганлар фано бўлар! Ёзилгани бўлар. Ёмғир ёғар, майсалар унар. Болалар туғилар ва ота-оналарининг ўрнини олар. Сўнгра ҳаммаси йўқ бўлиб кетади. Бу ҳолатнинг ораси узилмас, ҳамон бирин-кетин давом этади. Қулоқ тутинлар, диққат этинлар. Кўкдан хабар бор. Ерда ибрат бўларли нарсалар бор. Ер юзи бир ёйиқ айвон, кўк юзи юксак бир шифт. Юлдузлар юради, денгизлар туради. Келган қолмайди, кетган келмайди. Ажабо, борган ерларида хушнуд бўлиб қолишармикин? Йўқса, у ерда уйқуга кетадиларми? Онт ичаман: Аллоҳнинг ҳузурида бир дин борки, ҳозирги топган динингиздан янада суюмлидир. Яна Аллоҳнинг бир келажак пайғамбари бордирки, келишига жуда ҳам оз қолди. Сояси бошингизнинг устига келди. Унга иймон келтириб, ҳидоятга етиш нақадар олий бахт! Унга исён ва мухолафат айлаган бадбахтларнинг

ҳолларига вой! Умрлари ғафлат ичра кечган умматларга афсуслар бўлсин!

Эй жамоат! Қани ўтган аждодларимиз? Қани муаззам кошоналар, тошдан хоналар қурган Од ва Самуд қавми? Қани кибр ва ғурурдан туғёнга кетиб «Мен сизнинг энг буюк Раббингизман», деган Фиръавн ва Намруд? Улар сизга қараганда бадавлат ва кучли эмасмидилар? Бу замин уларни ўз тегирмонида талқон қилди, чанг-тўзонга айлантириб ташлади. Суяклари чириб йўқ бўлди. Уйлари вайронага айланди. Ерларида, юртларида ҳозир кўппаклар изғиб юришибди. Кўзингизни очинг, улар каби ғафлатда қолманг! Уларнинг йўлига кирманг! Ҳар нарса фонийдир. Фақат Жаноб Ҳақ боқийдир! У ягонадир, шериги, тенги, ўхшаши йўқдир! Сиғиниш фақат Унгадир! Туғилмади, туғмади. Аввал келиб-кетганларда бизга ибрат бўладиган нарсалар кўпдир. Ўлим ирмоғининг кирадиган ерлари бор, аммо чиқадиган жойи йўқ. Катта-кичик – ҳамма кўчиб кетади. Кетганлар қайтиб келмайди. Жазм этдимки, ҳаммага бўлган менга ҳам бўлади!

Хотибнинг оташин сўзларини эътибор билан тинглаётган оломон орасида уларга ўхшамаган икки киши бор эди. Бири – аминлиги, ростгўйлиги, ҳалоллиги билан бутун Маккада ном чиқарган Муҳаммад ибн Абдуллоҳ бўлса, иккинчиси – Қурайш ашрофлари ичида қон даъвосида тортишганларга ҳакамлик қилиб юрвчи бадавлат тожирлардан Абдуллоҳ ибн Абу Куҳофа эдилар. Биринчиси келажакда Қусс ибн Соида ҳозир башоратини эълон қилаётган Аллоҳнинг охириги пайғамбари рутбасига мушарраф бўлишларини, иккинчиси эса ана шу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг энг яқин дўсти, вазири, у зотдан кейин Ислом давлатининг биринчи халифаси бўлишларини ҳали билмасдилар. Жаброил алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг сўнгги элчисига илоҳий ваҳий келтиришига, Хиро ғоридан инсониятга қарата «Ўқи, яратган Парвардигоринг номи билан ўқи!» деган амрлар янграшига ҳали бироз вақт бор эди.